Стратегик ва минтақалараро
КУТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти

2009 ЙИЛ, 6 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 26 (11.337)

Баҳоси эркин нархда

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ва «Abu Matbuot-Consult» компанияси ҳамкорлигида «Ўзбекистонда «Facilyity» ўрмончилик дастурини амалга ошириш ва жамоатчиликни хабардор қилиш» мавзуида семинар-тренинг уюштирилди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Радиочастоталар бўйича давлат комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда республика радиочастота тармоқларининг 2008 йилги иш фаолияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси «Радиочастоталар спектри тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ радиочастоталарнинг ягона регистрини яратиш бўйича олиб борилган ишлар тўғрисида сўз борди.**

**● Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида «Тиббиёт ҳамшираларининг малакасини ошириш» лойиҳасига бағишланган семинар ўтказилди. Таъкидлаш керакки, ушбу лойиҳа доирасида юртимизнинг 50 га яқин мутахассислари Японияда ўз малакаларини оширдилар, 1-республика тиббиёт коллежида тиббиёт ҳамширалари таълимини такомиллаштириш бўйича марказ очилди.**

**● Нукус шаҳрида жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажакдаги режаларни муҳокама қилишга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда ФХДЁ ва Давлат нотариал идоралари раҳбарлари, адвокатура ва суд департаменти ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

**● Қўқон шаҳридаги «Ҳурлик» маҳалласида ёшлар маркази очилди. Бу ерда ёшлар тикувчилик ва дурадгорлик сирларини ўрганишлари мумкин, уларнинг хорижий тилларни ўзлаштиришлари ва спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган. Бундан ташқари марказда турли-туман маънавий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказилади.**

**● Андижон шаҳридаги Ўқувчилар саройида стол тенниси марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбир давомида Андижон терма жамоаси аъзоларининг кўргазмали чиқишлари, шунингдек, Андижон шаҳри ва Пахтаобод тумани жамоалари ўртасида мусобақалар бўлиб ўтди. Ҳозирда марказда тўртта мураббий раҳбарлиги остида стол тенниси билан 40 нафар қиз шуғулланмоқда.**

**● Термизда Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти томонидан «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда «СПИДга йўл йўқ» мавзуида ўқув семинари ташкил этилди.**

**● Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Бўстонлиқ тумани Хондайлиқ қишлоғидаги 84 та хонадонга табиий газ келди.**

### ЖАҲОНДА

**● Бугун Москвада Россия Федерацияси ҳукумати ва Еврокомиссиянинг учинчи қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бошқа масалалар қатори Европада янги хавфсиз архитектурани татбиқ этиш ҳам кўриб чиқилди.**

**● Эстония ҳукумати мамлакат бюджетининг 500 миллион еврога қисқартирилишини маъқуллади.**

**● Қирғизистон ўз ҳудудидаги Америка ҳарбий базасини ёпиши ҳақида маълум қилди. Ушбу масала мамлакат парламентида келаси ҳафта кўриб чиқилади.**

**● Швеция 30 йиллик танаффусдан сўнг энергетика масалаларида атом электр станцияларидан яна фойдаланишга қарор қилди.**

**● Германиялик архитектор Герман Тильке «Формула-1» жаҳон чемпионати автопойгаларини ўтказиш учун мўлжалланган Римдаги кўча трассасининг уч хил вариантини лойиҳалаштирди.**

**● БМТнинг махсус комиссияси Покистоннинг собиқ бош вазири, дунёга машҳур сиёсатдон аёл Беназир Бхуттонинг ўлими билан боғлиқ ҳолатларни ўрганишга киришди. Бундай комиссия тузилгани ва иш бошлагани ҳақида БМТ Бош котиби Пан Ги Мун Покистон Президенти, Беназир Бхуттонинг турмуш ўртоғи Асиф Али Зардари билан кечган учрашувда баёнот берган.**

**● «Boeing» авиакосмик корпорацияси жорий йилда ўз ходимлари сонини олти фоизга қисқартиришга қарор қилди. Бу —корпорацияда фаолият кўрсатаётган 10 минг ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади, деганидир. Директор Жим Макнернининг изоҳлашича, «Boeing» ўтган йил сўнгги чорагида 56 миллион АҚШ доллари миқдорида зарар кўргани боис шундай қарор қабул қилишга мажбур бўлинди.**

**● Американинг Odyssey Marine Explotation компанияси бундан деярли уч аср муқаддам йўқолган «Виктория» кемаси қолдиқларини топганини маълум қилди. Бу кема Лиссабондан Буюк Британия томон йўлга чиққан ва 1744 йилнинг 4 октябрида чўкиб кетганди. Тахминларга қараганда кемада 4 тоннага яқин тилла танга бўлиши мумкин.**

**● Япония Соғлиқни сақлаш ва меҳнат вазирлиги мутахассислари парранда гриппи вирусига қарши универсал вакцина яратдилар. Маълумотларга қараганда ушбу янги вакцина «H5N1» штаммли вирусга ҳам қарши кураша олади. Айни вақтда олимлар мазкур препаратнинг салбий таъсир даражасини аниқлаш устида иш олиб бормоқдалар.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг адабий ва илмий меросини ўрганишга бағишланган илмий-амалий анжуманнинг 53-йиғилиши адабиётшунос олимлар иштирокида бўлиб ўтди.

● **БУГУН** 1-Тошкент педагогика коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар, адабиётшунос олимлар иштирокида уюштирилган адабий кеча шеърият мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 568 йиллигига бағишланди.

● **БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги 2-Республика тиббиёт коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида «Сайлов жараёнларида аёлларнинг ўрни ва роли» мавзуида ўтказилган тадбир туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида уюштирилди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Қуёшча» тасвирий санъат студияси ташаббуси билан Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишлаб уюштирилган ижодий ишлар кўргазмаси «Тошкент жамоли» деб номланди.

● **БУГУН** Ўзбекистон Республикаси болалар кутубхонасида мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 568 йиллиги муносабати билан «Ғазал мулкининг султони» мавзуида ўтказилган адабий кечада Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти тилшунос олимлари, ёш китобхонлар ва ўқувчилар иштирок этишди.

● **ЭРТАГА** Собир Раҳимов туманидаги Алишер Навоий номидаги маҳаллада ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 568 йиллигига бағишлаб уюштириладиган тадбирда маҳалла фаоллари ва ёшлари, адабиётшунос олимлар қатнашишади.

● **ЭРТАДАН** «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудидаги ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқувчилар ўртасида ташкиллаштирилаётган «Ҳақиқат баҳсда туғилади» мавзуидаги семинар 10 февралгача давом этади.

● **ЭРТАГА** «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудидаги талабалар турар жойларида ёшлар, ўқитувчилар иштирокида «Барҳаёт сиймолар» мавзуида давра суҳбатлари ўтказилади.

● **ЭРТАГА** Собир Раҳимов тиббиёт коллежида ўқувчилар ўртасида уюштириладиган «Ғазал мулкининг султони» мавзуидаги деворий газеталар танлови мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 568 йиллигига бағишланади.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

*Тадбиркорлик*

## ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАГИЧЛАР

**ҚИММАТБАҲО РЕСУРСЛАРИМИЗНИ ТЕЖАШ, ИСРОФГАРЧИЛИГИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК, УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ДОИМО ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИМИЗДАН ҲИСОБЛАНАДИ. АЙНИҚСА, ХОНАДОНЛАРИМИЗНИ НУРАФШОН ЭТИБ, ДИЛЛАРИМИЗГА РАВШАНЛИК БАҒИШЛОВЧИ, ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИНИНГ РИВОЖИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТУРМУШИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС БЎЛАГИДИР.**





Айтиш жоизки, бу борада айрим истеъмолчилар томонидан исрофгарчиликлар, ноқонуний фойдаланишлар, электр ҳақини тўлашда қарздорлик ҳоллари учраши ҳеч кимга сир эмас. Ана шуларнинг олдини олишда бугунги кунда ўрнатилаётган замонавий электрон ҳисоблагичларнинг ўрни катта. Бундай замонавий ва халқаро стандартлар асосидаги маҳсулотнинг ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани эса, айниқса эътиборлидир.

Айни пайтда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «ELEKTRON XISOBLAGICH» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида малакали мутахассислар томонидан тайёрланаётган электрон ҳисоблагичлар электр энергияси сарфини аниқ ўлчашда қўл келади. Ускунанинг хонадонлар учун бир фазали, корхона ва ташкилотлар учун уч фазали турлари ишлаб чиқарилмоқдаки, бу энергия етказиб берувчига ҳам, истеъмолчига ҳам ниҳоятда қўл келиб, аниқ ҳисоб-китобни, сарфига яраша тўловни таъминлайди, энергиядан қинғир йўллар билан фойдаланишнинг олдини олиши билан афзалдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аввало ҳамкорлар корхона цехларини замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлашга эътибор қаратишди. Шунингдек, уларнинг муваффақиятли ишлашини таъминлаш учун кадрлар тайёрлаш мақсадида мутахассисларнинг бир нечтаси Хитой давлатида малака оширишди. Натижаси эса кўзда тутилган самарани бермоқда.

— Ҳамкорларимиз кўмагида тадбиркорлик билан фаолият кўрсатар эканмиз, бозор иқтисодиёти талабини тўғри англаган ҳолда маҳсулот турлари, сифати устида тинмай изланишлар олиб бораяпмиз, — дейди корхона раҳбари Ойбек Дўстмуҳамедов. — Илк фаолиятимиз даврида фақат четдан келтирилган бутловчи қисмлардан фойдаланган бўлсак, кейинчалик маҳаллийлаштириш дастурига кўра бир қанча эҳтиёт ва бутловчи қисмларни ўзимизда тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Энг муҳими улар импорт ўрнини босади. Шунингдек, корхонанинг махсус синов лабораториясида тайёрланган электрон ҳисоблагичлар «Ўзстандарт» агентлигининг вакили иштирокида синалиб, сертификат берилади.

Истеъмолчиларга қулайлик яратиш мақсадида корхонада сервис маркази ҳам иш олиб бормоқда. Унинг малакали мутахассислари истеъмолчиларнинг буюртмаларини тез ва соз бажариб беришади.

Жорий йилни муваффақиятли бошлаган корхона жамоаси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, электрон ҳисоблагичлар турларини кўпайтиришни мақсад қилган. Энг асосийси эса имкониятлардан оқилона фойдаланиб, тежамкорликка муносиб ҳисса қўшишдир.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: корхонада ишлаб чиқариш суръати, маҳсулот сифати ортишида моҳир ишчи-хизматчиларнинг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда.**

**ЎзА суратлари**

## ОЛИЙ СУД РАЁСАТИ ЙИҒИЛИШИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий судида умумий юрисдикция судларининг 2008 йилда одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари иштирок этди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўз самараларини бераётгани таъкидланди. Тизимда амалга оширилаётган ишлар фуқароларнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Хусусан, ўтган йили фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 340 мингдан ортиқ иш кўриб чиқилди. Тамомланган ишларнинг 90,5 фоизи бўйича ҳал қилув қарорлари чиқарилди, шундан 96,2 фоиз иш бўйича даъво қаноатлантирилди.

Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан эса 55 мингга яқин жиноят иши ва 256 мингдан ортиқроқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш билан боғлиқ иш кўриб чиқилди. Таъкидлаш керакки, судлар фаолиятида асосий эътибор – қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида қабул қилинган қонунларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилмоқда.

Йиғилишда ўтган йили айрим жиноят турлари, жумладан, қасддан баданга оғир ва ўртача оғир шикаст етказиш, ўғрилик, транспорт воситаларини олиб қочиш, безорилик, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш жинояти учун судланганлик ҳолатлари камайгани қайд этилди.

Бундан ташқари, жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, ярашув институтини қўллаш натижасида 21 минг нафардан зиёд, мазкур институт амалиётга жорий қилинганидан буён ўтган вақт мобайнида эса 79 минг нафардан зиёд шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноят оқибатида етказилган 51 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарар қопланганлиги сабабли 11 минг нафарга яқин шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

Раёсат йиғилишида судья ва суд ходимларининг масъулиятини, касб маҳорати ва малакасини янада ошириш борасидаги вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Одил судловни амалга ошириш, адолатни қарор топтиришда қонуний ва адолатли суд қарорларининг қабул қилиниши суд ҳокимиятининг обрў-эътиборини юксалтирадиган, аҳолининг унга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган муҳим омил эканлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда баъзи судьялар томонидан қонунчилик талабларига риоя этмаслик, сансалорлик ва бепарволикка йўл қўйиш ҳолатлари учраб тургани таъкидланди. Жумладан, 2008 йили 106 нафар судьяга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилди, 3 нафар судьянинг судьялик ваколатини муддатидан илгари тугатиш ҳақида хулосага келинди. Тўрт нафар судья судьялик қасамёдини бузганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

## МУСТАҲКАМ ҲАРБИЙ ИНТИЗОМ — ЮКСАК ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК ГАРОВИ

***Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Марказий офицерлар уйида 5 февраль куни «Ҳарбий ҳуқуқ ва унинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида интизомни мустаҳкамлашдаги аҳамияти» мавзуида конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу анжуманда экспертлар, манфаатдор идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Тадбир иштирокчилари таъкидлаганидек, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан истиқлол йилларида Қуролли Кучларимизни, жумладан фуқароларнинг ҳарбий хизматни ўташ тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Бунда мудофаа қурилишининг норматив-ҳуқуқий базасини замонавий демократик нормалар ҳамда стандартларни инобатга олган ҳолда ҳар тарафлама такомиллаштириш, соҳага оид қонун ҳужжатлари сўзсиз ижро этилишини таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаатида Қуролли Кучларимиз олдига давлат аҳамиятига молик алоҳида вазифа – ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш вазифаси қўйилди. Барча даражадаги командирларнинг фаолияти офицерларда, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялашга, уларда фаол ҳаётий позицияни шакллантиришга, ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш туйғусини янада кучайтиришга қаратилиши лозим. Армия амалда ёшларни маънавий, жисмоний жиҳатдан баркамол инсон ва етук граждан сифатида вояга етказадиган ҳаёт мактабига айланиши шарт. Қуролли Кучларда ҳарбий интизомни мустаҳкамлашга қаратилган ишлар айни шу талабларга мувофиқ равишда олиб борилиши лозим, зотан ҳарбий интизом Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари бўлинмаларининг жанговар тайёргарлиги ва жанговар қобилиятини белгиловчи асосий омиллардан биридир. Қуролли Кучларнинг барча тоифаси шахсий таркибидаги юксак уюшқоқлик ва қатъий тартиб-интизом мамлакатимиз мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя этиш ва қўриқлаш соҳасида шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъмин этишнинг ҳал қилувчи шартларидан биридир.

Конференция иштирокчилари ўз нутқларида Президентимизнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаати Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг барча туридаги ҳарбий хизматчилар учун улкан сиёсий аҳамият ва таъсир кучига эга бўлган ҳужжат, шахсий таркибни тарбиялашнинг ва ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишнинг муҳим воситаси эканлигини таъкидладилар.

Иштирокчилар мудофаа тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг Қуролли Кучларда ҳарбий интизомни мустаҳкамлашга ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий ва сиёсий тайёргарлиги йўналишидаги тарбиявий ишларни олиб боришга доир нормалари ва қоидаларини янада такомиллаштириш юзасидан қатор таклиф ҳамда тавсиялар билдирдилар.

**(ЎзА)**

*Фармон ва ижро*

# ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИ — ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Мулкдорлар сафи тобора кенгаётгани хусусий тармоқда иш билан банд бўлганлар сони кўпайишига ҳамда аҳоли турмуш даражасининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.***

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 14 июнда қабул қилинган "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги матбуот хизматидан маълум қилишларича, мазкур тизимда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, рўйхатдан ўтказувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлашга қаратилган аниқ тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил бажарилаётгани ўз самараларини бермоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорларга, аввало, кичик бизнес субъектларига асосий, шу жумладан, талаб юқори бўлган моддий ресурслардан кенг фойдаланиш имконини берадиган барқарор бозор механизми шаклланди. Биржалар ва уларнинг жойлардаги филиалларида савдонинг ошкора тарзда ўтказилиши, нархларнинг эркин шаклланиши ва барча биржа аъзоларига савдода иштирок этиш учун шарт-шароитнинг тенглиги таъминланмоқда.

Бизнесни рўйхатга олиш, ихтиёрий равишда ёпиш ва тугатиш, шунингдек, фаолиятнинг алоҳида турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган лицензия ва рухсатномалар бериш жараёнлари соддалаштирилди. Жарималар миқдори сезиларли даражада камайтирилди, айрим жарима турлари эса бутунлай бекор қилинди. Бундай кенг кўламли имкониятлардан тадбиркорларнинг унумли фойдаланиши бевосита турли лицензия берувчи ва уни мувофиқлаштирувчи идоралар фаолиятига боғлиқ. Аммо мазкур соҳаларда амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда тадбиркорларга лицензия бериш ва уни қайта расмийлаштириш каби ҳолатларда қонунбузилишларга йўл қўйилаётгани ҳам кузатилмоқда. Бу каби ҳолатларга барҳам бериш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш аҳволи ўрганилганда, бўш турган биноларни хатловдан ўтказиш ва уларни фойдаланиш учун бериш борасида айрим қонунбузарликларга йўл қўйилаётгани аён бўлди. Масалан, Навоий вилояти Томди туманида фаолият кўрсатаётган "Бахши" фермер хўжалигига мазкур туман ҳокимининг қарори билан умумий овқатланиш ошхонаси қуриш учун ер майдони ажратилган. Аммо туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими томонидан фермерга қурилиш учун асоссиз равишда рухсат берилмаган. Ушбу ҳолат юзасидан ўтказилган ўрганишда фермер хўжалиги раҳбари Ю.Мавлоновнинг аризасида келтирилган ҳолатлар ўз тасдиғини топди. Натижада туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи Д.Сахиевга нисбатан тегишли тартибда интизомий жазо қўлланилди.

Умуман айтганда, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тўлиқ ҳимоя қилинишини таъминлаш юзасидан 2008 йил давомида адлия органлари томонидан тегишли ташкилотларга икки мингга яқин тақдимнома, яна кўплаб огоҳлантириш ва кўрсатмалар киритилди. Ушбу таъсир чоралари натижасида 2,5 мингдан ортиқ мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаган давлат бошқарув идораларининг 660 ноқонуний қарори бекор қилинди ва ижроси тўхтатилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

# СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ — МУҲИМ ВАЗИФА

***Мамлакатимизда умумий фойдаланиладиган сувнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги экинлари учун сарфланади. Шу боис экинларни суғориш жараёнида сувни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.***

Юртимизда суғориладиган ерлар 4,3 миллион гектарни ташкил этади. Бу майдонларни сув билан таъминлаш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида сув омборлари, магистрал ҳамда хўжаликлараро суғориш тармоқлари иши тобора такомиллаштирилмоқда.

"Ўзгидромет" марказидан хабар қилишларича, 2009 йилнинг ёзги суғориш мавсумида Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида ҳамда ички дарёларда сув ресурслари меъёридан камроқ бўлиши кутилмоқда. Бу эса сувга бўлган талаб ва сув таъминоти даражасини чуқур таҳлил қилишни, ундан янада тежамкорлик билан фойдаланишни талаб этади.

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида ўтган сув ресурсларини ҳисобга олиш, оқилона бошқариш ва самарали фойдаланишни ташкил этишга бағишланган йиғилишда шулар ҳақида сўз борди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари вакиллари, ирригация ва ҳавза бошқармалари раҳбарлари, насос станциялари мутахассислари ҳамда соҳа олимлари иштирок этди.

Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Ш.Ҳамроев мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, деҳқонларнинг ерга эгалик ҳиссини кучайтириш, ер ва сув захираларидан фойдаланишни такомиллаштиришга қаратилаётган доимий эътибор ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Ерларнинг шўрини ювиш, яхоб суви бериш, экиш учун тайёрлаш, сув ресурсларини оқилона бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Тадбирда ана шу масалалар, шунингдек, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, сувни тежайдиган техника, технология ва илғор тажрибани оммалаштиришга доир маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Шоисматов сўзга чиқди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**



*«Камолот»*

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ОЛИМПИАДА — АҚЛНИ ЧАРХЛАЙДИ

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЭРТАМИЗ ДАВОМЧИЛАРИ БЎЛГАН ЁШЛАРНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА МАЪНАН БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ ЙЎЛИДА ЖУДА КАТТА ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.**

Хусусан, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан 17 февралгача пойтахт ёшлари ўртасида «Интеллектуал олимпиада» лойиҳаси ўтказилади. Бу лойиҳа бир неча ўйин ва мусобақаларни қамраб олган бўлиб, улар «Сиз қонунни биласизми?», «Сиз тарихни биласизми?», шашка ва шахмат фестиваллари ва кўрик-танловлардан иборатдир.

«Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг номидан ҳам кўриниб турибдики, у ёшларнинг қонунларни билиш юзасидан маҳоратларини оширишга қаратилган. Ҳар бир инсон қонунни билиши шарт, акс ҳолда қонун устувор бўлган давлат қуриб бўлмайди. Қонун деганда кўпчилигимиз фақат ҳуқуқимизни тушунамиз, тўғри, ҳамма ўз ҳуқуқини билиши керак, шу билан бирга бурчларидан ҳам хабардор бўлиши шарт. «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловида иштирок этувчи ёшлар эса ўзларининг билимларини синаб кўрадилар. Тарихга янада кўпроқ қизиқишлари ортади. «Тарихсиз келажак йўқ!» деган нақадар ҳаққоний фикр бор. Дарҳақиқат, тарихни билмасдан туриб келажакка йўл олиб бўлмайди. Сабаби шуки, бугунимиз эртага тарих, эрта эса бугун учун келажакдир. Ҳамма нарсанинг бир-бирига узвий боғлиқлиги айни ҳақиқат.

Шашка мусобақалари эса бу ақлий тезкорликни талаб этадиган ўйиндир. Бу фақатгина спорт ёки ўйин бўлишидан ташқари самарали ҳордиқ ҳамдир. Шахмат эса инсониятнинг буюк ихтироси бўлиб, бу ўйинга донишмандлар асос солганлар. Бу ақл машқига бағишланган спорт тури, ақлдан тўғри фойдаланишга чорлайдиган ўйиндир.

— «Интеллектуал олимпиада» лойиҳасини ўтказишдан асосий мақсад ўқувчи-ёшларнинг билим-салоҳиятларини ошириш ва уларнинг интеллектуал қобилиятини юксалтиришдир, — дейди бу ҳақда «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг матбуот хизмати ходими Нилуфар Каримхўжаева. — Шунингдек, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказиш, етук этиб тарбиялашга қаратилган. Зеро, билаги зўр бирни йиқитар, билими зўр мингни йиқитар, дейдилар.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

# КАСБ ТАНЛАШДА АДАШМАНГ!

**СЕРГЕЛИ ТУМАНИДАГИ 285-МАКТАБДА 9-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ ИШТИРОКИДА УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ. БИТИРУВЧИ ЁШЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАДБИРГА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ, КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ҲАМ ТАКЛИФ ЭТИЛДИ.**

Мустақиллик йилларида таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Ҳукуматимиз томонидан ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни ўзлари қизиққан касб-ҳунарга йўналтириш, айниқса битирувчиларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўлалигича жалб этиш тизимдаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Қолаверса, таълим тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, тадбиқ этилаётган янгиликлар, жумладан, ўн икки йиллик мажбурий таълимнинг жорий этилганлиги 9-синфни тугатган ўқувчиларни қайсидир касб-ҳунарга йўналтиришни тақазо этади. Бу борада мактаб, академик лицейлар ва ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари муҳим аҳамиятга эга.

Республикадаги мактабларда 9-синф битирувчилари ва уларнинг ота-оналари иштирокида ўтказилаётган тадбирлар ўқувчиларни ўзлари хоҳлаган касб-ҳунарга аниқ йўналтиришга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. 285-мактабда ўтказилган учрашувда ҳам битирувчи синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Унда пойтахтдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида яратилган шарт-шароитлар, мавжуд йўналишлар, дарсдан бўш вақтларда ташкил этиладиган тўгараклар хусусида батафсил маълумот берилди.

— Ўқувчиларни касбга йўналтириш ҳар бир мактаб маъмурияти, қолаверса ўқитувчидан алоҳида масъулият талаб қилади, — дейди мактаб директори Мамлакат Мамарасулова.— "Ким бўлсам экан?" деган савол бугун мактабни битираётган ҳар бир ўқувчини ўйлантириши табиий. Шунинг учун уларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш, ўзи хоҳлаган касб-ҳунарга йўналтириш зарур. Бу борада туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан махсус режа тузилган. Унга кўра мактабларда битирувчи синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари иштирокида касбга йўналтиришга қаратилган учрашув ва тадбирлар ўтказилмоқда. Тадбирларда мавжуд академик лицей ва касб ҳунар коллежлари вакиллари ўзларининг ўқув даргоҳи ҳақида атрофлича маълумот беришади.

М. Мамарасулованинг таъкидлашича, мактабда ўқувчиларни касбга йўналтириш бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, амалиётчи-психологлар ва ўқитувчилар томонидан ўқувчиларни касбга тўғри йўналтириш мақсадида турли интерфаол усуллар қўлланиляпти. Бу ўқувчининг қизиқиши, қобилияти, истеъдоди ва иқтидорини аниқлаш ва шунга мос ўқув даргоҳларига жалб этиш имконини бермоқда. Ҳар бир ота-она билан якка тартибда ўтказилган суҳбатлар эса ўқувчиларни тўғри касб танлашида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Қизғин савол-жавоблар тарзида ўтган тадбирда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари вакиллари ўқувчилар ва ота-оналарни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб беришди. Айниқса, Сергели политехника касб-ҳунар коллежи вакилининг маълумотлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Мактаб битирувчилари ва ота-оналар иштирокида ўтказилаётган бундай тадбирлар ўқувчиларни ўзи хоҳлаган касб-ҳунарга йўналтиришга хизмат қилади.

# ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ АНЖУМАН

**ТИНЧЛИК-ТОТУВЛИКНИ САҚЛАШ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ, БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА ИШ ОЛИБ БОРИШДАН ОРТИҚ УЛУҒ ЮМУШ ЙЎҚ БУ ДУНЁДА.**

Куни кеча Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Учтепа академик лицейида ўтказилган диний экстремизм, терроризм, ақидапарастлик ва миссионерликка кириб кетишнинг олдини олишга қаратилган анжуман ҳам айнан ёшларни тўғри йўлга солиш ва адашиб, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишларига йўл қўймаслик масалаларига қаратилди.

Учтепа туман ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган ушбу анжуманда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар ИИББ ЖҚ ва ТҚКБ, жиноят ишлари бўйича шаҳар суди, туман прокуратураси, шаҳар Адлия бошқармаси каби бир қатор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, маҳаллалар фаоллари, ўқитувчи- мураббий ва ёшлар иштирок этишди.

Мавзу доирасида сўз олган Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси Жамшид Саидалиев, Адлия вазирлиги жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар бошқармасининг сектор мудири Анвар Ризаев, тумандаги Чўпон ота жомеъ масжиди имом- хатиби Қувондиқ Боймуродов ва бошқалар бугунги кунда сиёсий- ижтимоий вазиятни барқарорлаштириш, аҳоли, айниқса аёллар ва ёшларнинг турли диний экстремистик оқимларга кириб кетишининг олдини олишга қаратилган чора- тадбирлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини айтиб ўтдилар.

— Бугунги кунда долзарб бўлган ушбу мавзудаги тадбирлар шаҳримиз туманларидаги ўқув муассасалари, маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда «Маҳалла» жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда мунтазам ўтказилиб келинмоқда, — дейди биз билан суҳбатда шаҳар Адлия бошқармасининг ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича масъул ходим Аброр Бердиев. — Мақсадимиз ўсиб келаётган ёш авлодга тўғри йўлни кўрсатиш, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини оширишга ҳисса қўшишдир.

Шунингдек, анжуманда диний экстремизм ва сиёсий терроризмнинг моҳияти ва аянчли оқибатлари аниқ мисоллар орқали баён этилди, айни вақтда бир дин вакиллари томонидан бошқа динга мансуб бўлган шахслар орасида ўз таълимотларини тарқатиш йўли билан сафларини кенгайтиришга қаратилган миссионерлик фаолиятининг авж олаётганлиги айтилиб, унинг вақтида олди олиниши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИДА ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КУНИНИНГ ОЛТМИШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲИНД-ЎЗБЕК ДЎСТЛИК КЕЧАСИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ.**

# ПОЙТАХТДА ҲИНД — ЎЗБЕК ДЎСТЛИК КЕЧАСИ

Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Лал Баҳодир Шастри номидаги ҳинд маданият маркази ва "Ўзбекистон — Ҳиндистон" дўстлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда элчихона ходимлари, вазирлик раҳбарлари, хорижий давлатларнинг элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, халқаро ташкилот раҳбарлари, профессор олимлар, ёзувчилар, ҳиндшунослар ҳамда талабалар иштирок этди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Саид Манал Шох Алқодри ҳинд ва ўзбек халқларининг дўстлик ришталари узоқ тарихга бориб тақалишини айтар экан, бу каби маданий тадбирлар икки халқ алоқаларини янада мустаҳкамланишида катта аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Ҳиндистон Ўзбекистон билан сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда кенг ҳамкорликлар қилмоқда, – деди Саид Манал Шох Алқодри. – Бу ҳамкорликлар айниқса, маданият соҳасида жадаллик билан ривожланмоқда. Хусусан, юртингизда ҳинд қўшиқлари, фильмлари халқ орасида севиб тингланади, кўрилади. Ҳиндистонда ҳам Ўзбекистон маданиятига, қадимий шаҳарлари ва тарихига бўлган қизиқиш аҳоли орасида ортиб бормоқда.

Байрам бошида ҳинд мумтоз рақслари, куй-қўшиқлари меҳмонлар эътиборига ҳавола этилди.

– Ҳиндистон ҳақида гап кетганда ўз тарихи, маданияти, урф-одатларини асрлар давомида қадрлаб, миллийлигини сақлаб келаётган халқ кўз ўнгимизда намоён бўлади, – деди Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Сайфуллаев. – Тарихдан маълумки, Буюк Ипак йўли орқали ҳам бу икки давлат сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик қилган. Ўзбекистон халқи Ҳиндистон маданияти, санъати ва тарихига ҳурмат билан қарайди. Айни пайтда давлатларимиз ҳамкорлиги икки томонлама ривожланмоқда. Ўтган йиллар давомида ўзбек театр ижодкорларининг ижодий сафар билан Ҳиндистонда бўлгани ҳамда жаҳонга машҳур ҳинд актёри Раж Капур фарзандларининг юртимизда меҳмон бўлгани бунга яққол мисол бўла олади. Ўйлайманки, бу каби ҳамкорликдаги тадбирлар икки халқ ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларини янада ривож топишига хизмат қилади.

Тадбирда сўзга чиққан "Ўзбекистон — Ҳиндистон" дўстлик жамияти раиси Комилжон Юсупов ҳам яқинда ўзининг самарали фаолиятини бошлаган элчи Саид Манал Шох Алқодрига икки халқ алоқаларини янада ривожланишида бор билим ва маҳоратини сафарбар этишига умид боғлаб, ҳамкорликларимиз бундан ҳам тараққий этишига ишонч билдирди.

Лал Баҳодир Шастри номидаги ҳинд маданият маркази талабалари томонидан ижро этилган қўшиқ ва рақслар байрамга ўзгача файз бағишлади. Саҳна усталари томонидан ўзбек ва ҳинд мумтоз қўшиқлари, миллий рақслари моҳирона ижро этилиши меҳмонларга олам-олам қувонч бағишлади.

**"Туркистон-пресс"**

*Иқтисодиёт*

# САМАРАЛИ ТАДҚИҚОТЛАР

**ИШҚАЛАНИШ НАТИЖАСИДА ПОЕЗД ВАГОНЛАРИ ҒИЛДИРАК ЖУФТЛАРИ ТЕЗ-ТЕЗ ЕМИРИЛИБ ТУРАДИ. БУНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРНИНГ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛАЁТГАНЛИГИ КАТТА ИҚТИСОДИЙ САМАРА БЕРИШИ ТУРГАН ГАП.**

Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти олимлари тадқиқоти натижаси ўлароқ ғилдирак жуфтларининг устига қоплама қўйиб пайвандлаш билан хизмат кўрсатиш муддатини яна 20 йилга узайтириш имконияти юзага келди.

Яна бир гуруҳ олимлар электровоз ғилдирак жуфтларини режа бўйича таъмирлаш оралиқларида ҳаракатланишини яхшилашга қаратилган техникавий янгиликни ихтиро қилдилар.

# «ЎЗБЕК-БОЙЛЕР» ҚОЗОНХОНАСИ

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИДА ҚИШКИ МАВСУМГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛДИ. ЖУМЛАДАН, ЧУҚУРСОЙ ТЕМИР ЙЎЛ БЕКАТИДА ҲАМ БУ ЖАРАЁН ҚАТЪИЙ ЖАДВАЛ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛДИ.**

Иситиш тармоғининг мунтазам ишлашини таъминлашда янги ўрнатилган қозонхона муҳим ўрин тутади.

Мазкур қурилма Америка — Ўзбекистон қўшма корхонасида буюртма асосида махсус ясалди. «Ўзбек-Бойлер» деб номланган қозонхона кучли босимда ишлаб, иситиш тармоғини иссиқ сув билан тўла таъминлади.

# ШАРТНОМАЛАР ТУЗИЛДИ

**ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ ЯРМАРКАСИ ВА КООПЕРАЦИЯ БИРЖАСИДА КЎПГИНА КОРХОНАЛАР ИШТИРОК ЭТИБ, ЎЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИНИ НАМОЙИШ ҚИЛГАНДИ.**

Унда «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси тизимида фаолият юритаётган «Ўзтемирйўлмаштаъмир», «Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи» корхоналари томонидан тақдим этилган саноат маҳсулотлари ҳам юқори баҳоланди.

Кўргазма доирасида бу корхоналарга кўплаб буюртмалар олинди. Компаниянинг маркетинг бўлими орқали янги шартномалар тузилди. Ҳозирда ушбу буюртмаларни сифатли тайёрлаб бериш саъй-ҳаракатлари амалга оширилмоқда.

# УКРАИНАДАН ЯНГИ МОСЛАМАЛАР

**МАМЛАКАТИМИЗ ТЕМИР ЙЎЛ ТИЗИМИДА «ЙЎЛРЕФТРАНС» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҲАМ САЛМОҚЛИ ЎРИН ТУТМОҚДА. КОРХОНАНИНГ ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ИНВЕСТОРЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ ҲАМ МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА.**

Ҳамкорлар кўмагида корхона 652 та вагон ғилдираги дискларини харид қилди. Украинадан олиб келинган бу мосламалар туфайли таъмирталаб бўлиб қолган рефрижератор секция аравачалари янги ғилдираклар билан таъминланди.

Корхона изотермик вагонларини сифатли созлаш режасини ҳам ўз вақтида адо этиб келмоқда. Ўтган йиллар мобайнида 300га яқин вагон секцияси таъмирдан чиқди. Кўрилаётган бу тадбирлар қишлоқ хўжалик юкларини манзилларга бекаму кўст етказиб беришни таъминламоқда.

# ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЙДИ

**ЎЗБЕКИСТОН БИЗНЕС-ИНКУБАТОР ТЕХНОПАРКЛАР АССОЦИАЦИЯСИ РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ БИЛАН ЯҚИНДАН ШУҒУЛЛАНИБ КЕЛМОҚДА. ФАҚАТ ШУ ЙИЛНИНГ ЎЗИДА 60 ДАН ОРТИҚ КИЧИК КОРХОНАЛАР БИЗНЕС-ИНКУБАТОРЛИК ДАВРИНИ ЎТАДИЛАР.**

Тошкент шаҳрида эса 20 га яқин ишлаб чиқариш цехлари очилди. Хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган ташкилотлар сони янада ортди. Кўрилаётган бу каби тадбирлар туфайли 300га яқин янги ишчи ўринлари юзага келди.

# ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛАРИ

**БУГУНГИ КУНДА «ЭВОБУС» ФИРМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ «АВТОРЛАШГАН СЕРВИС УСТАХОНАСИ» ДЕГАН МАҚОМГА ЭГА БЎЛГАН МАРКАЗДА ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛИГИ ҲАМ КЕНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН.**

Рационализатор ва ихтирочилар изланишлари билан қатор янги эҳтиёт қисмлар намуналари юзага келди.

Бундай техникавий янгиликлардан бир қисмидан махсус ускуналар ўрнида фойдаланилмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

